



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 12 - avgust

446 u -son

Bog‘ot shaharchasi

Фуқаро Курёзова Ҳалиманинг
турар жой биносига бўлган эгалик
хуқуқини белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Усталар” маҳалласида яшовчи фуқаро Курёзова Ҳалиманинг “Усталар” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик хуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 5 мартдаги ШЯ-Қ-932-сонли аризасини, “Усталар” маҳалласи фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси Хоразм вилояти бошқармасининг Боғот туман филиалининг 2021 йил 18 февралдаги 465-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Боғот тумани “Усталар” маҳалласида жойлашган 7 (етти)та хонадан иборат, яшаш хоналари 2 (икки)та бўлиб, ички ўлчами 35,50 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 5 (беш)та бўлиб, ички ўлчами 132,30 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 167,8 квадрат метр, қурилиш ости майдони 247,97 квадрат метр, умумий ер майдони 1310,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Курёзова Ҳалимага мулк хуқуқи асосида унга эгалик хуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Курёзова Ҳалимага ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш хуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Курёзова Ҳалимага ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев